70297

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

20 февраль, пайшанба, 1997 йил

Сотувда эркин нархда. № 38 (1555)

## ЛИТВА РАҲБАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

**19 февраль куни Литва Республикаси Президенти Алгирдас Бразаускас расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.**

Тошкент аэропортида Литва раҳбарини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов кутиб олди. Миллий либосдаги қизлар олий мартабали меҳмонга анвойи гуллар ҳадя этди.

Кутиб олиш маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва Тошкент шаҳри ҳокими Козим Тўлаганов иштирок этди.

**(ЎзА).**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА 1997 ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон фуқаролари манфаатларини таъминлаш учун зарур ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларни барпо этиш, шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, демократик ва маънавий қадриятларни ривожлантириш, шунингдек, иқтисодий ислоҳотларнинг ижтимоий йўналишини кучайтириш, кишиларнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, ҳудудий органлар ва республика жамоат ташкилотлари томонидан тайёрланган «Инсон манфаатларини таъминлаш борасида 1997 йилда амалга ошириладиган тадбирлар дастури» қабул қилинсин.

2. Тадбирлар дастури ижро этиш учун ҳокимият ва бошқарувнинг тегишли давлат, нодавлат ва ҳудудий тузилмаларига юборилсин.

Бу тузилмаларга мазкур дастурда кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш бўйича муайян тармоқ ва ҳудудларга доир зарур тадбирларни ишлаб чиқиб, қабул қилиш вазифаси юклансин. Бу ўринда гап ҳар бир шаҳар, қишлоқ, ҳар бир кишининг манфаатини таъминлаш хусусида бориши лозимлиги инобатга олинсин.

3. Матбуот давлат қўмитаси, Ўзтелерадио, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, республика оммавий ахборот воситалари қабул қилинган дастурда кўзда тутилган, жамиятимизни демократлаштириш, кишиларнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш борасидаги тадбирларнинг тутган ўрни ва аҳамиятини кенг тушунтиришни таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекслари кўрсатилган тадбирларнинг тармоқлар ва ҳудудлар бўйича бажарилиши ҳақидаги ахборотни йиғиш ва умумлаштиришни йўлга қўйган ҳолда, қабул қилинган дастурнинг муайян бандлари бажарилишини йилнинг ҳар чорагида назорат этилишини таъминласин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси йиғилишларида ҳар чорак якунлари бўйича манфаатдор орган ва тузилмалар иштирокида дастур бажарилишининг бориши кўриб чиқилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамаси Раиси**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 19 февраль.

*ЙИЛ ЯКУНИ*

## ТОМОРҚА — ХАЗИНА

***Ривоят қилишларича, бу дунёда энг катта савобга деҳқонлар эришаркан. Негаки, дала соҳиби бир деб ерга дон сепгандан бошлаб, то ҳосилни ўриб-йиғиб олгунча, боғлардаги мевалар терилгунича, жонзотлар, паррандаю даррандалар у етиштираётган ҳосилдан ўз ризқини териб ейди. Ўша егани учун деҳқон улардан ҳақ талаб қилмайди, ҳосил эса камаймайди, аксинча, бутун оламлар Роббиси бўлмиш Моликул мулк деҳқон ҳосилига хайру барака бераверади.***

Мамлакат мустақилликка эришгач, деҳқоннинг ҳам елкаси кун кўрди. Айниқса, шахсий томорқа хўжаликларини ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш, деҳқонларга қўшимча томорқа майдонлари ажратиш чора-тадбирлари туфайли, йиллар давомида қотиб қолган катта бир музлик жойидан кўчди. Шахсий томорқа хўжаликлари билан шуғулланувчи оилалар сони 1 млн. 872 мингдан 2 млн. 755 мингтага етди. Илгари аҳоли қўлидаги томорқа майдонлари ҳар бир оила ҳисобига 10-12 сотих бўлган бўлса, 1992 йилга келиб, ҳар бир деҳқон оиласи 20-25 сотих ерга эга бўлди.

Томорқа хўжаликларини ривожлантириш сари йўналтирилган Президент Фармони, ҳукумат қарорлари туфайли, ўзини билган, деҳқончилик маданиятидан хабардор кишилар қўлига тушган ерлардан жамоа ва давлат хўжаликларига қараганда 7-8 марта кўп ҳосил олишга эришилди.

Иқтисодий таҳлиллар шуни кўрсатаяптики, Самарқанд вилояти шахсий ёрдамчи хўжаликларида етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари салмоғи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Олайлик, картошка етиштириш 1994 йилда 61,3 фоиз бўлса, 1996 йил якунига кўра, 71 фоизга эришилди. Сабзавот етиштириш 15,2 фоизга ошди. Полиз маҳсулотлари 68,1, мева 51, узум етиштириш эса 40 фоизни ташкил қилмоқда.

1996 йил якунидаги ҳисоб-китоблар бўйича, гўштнинг 85 фоизини, сутнинг 99, тухумнинг 62, жуннинг эса 74 фоизини вилоятдаги шахсий ёрдамчи хўжаликлар етиштирган.

Вилоятдаги томорқа хўжаликларидан олинаётган даромад умумий оила даромадларининг 24,4 фоизини ташкил этмоқда. Шахсий томорқа ерларидан самарали фойдаланаётган оилалар бир йилда 2-3 ҳосил олишга эришмоқда. Даромад ҳам шунга яраша бўлаяпти.

Челак туманида яшовчи деҳқон Тошпўлат Қиличев бола-бақраси билан 23 сотиҳ ерга экин экиб, рўзғор тебратади. Худо баракасини берса ҳеч гапмас экан. Бу оила 1996 йилда 114 минг сўмдан зиёд даромад қилди.

Шу туманда истиқомат қилувчи Сардор Норбоев 11 сотихдан 120 минг сўм, Эгамқул Қаршиев 14 сотихдан 54 минг сўм, Ширинбой Инатуллаев 13 сотихдан 51,1 минг сўм даромад қилишди.

Лекин деҳқон шу даромадларга эришгунча қанча қийинчилик, қанча муаммоларни, сансалорликларни бошдан кечирмоқда. Борини эплаштириб, йўғига сабр қилиб, эл ризқини пешмапеш етказиб бераяпти.

Республика шахсий ёрдамчи хўжалик эгалари ассоциацияси ташкил этилганига беш йилдан ошди. Лекин, деҳқонча айтганда ташкилотнинг номи улуғу, супраси қуруқ. Супрада ун бўлмагач... зувала ҳақида гап бўлиши мумкинми ахир!

Бугун бу борадаги муаммолардан бири шахсий ёрдамчи хўжаликларини омухта ем билан таъминлаш масаласидир. Илгари бу вазифани «Ўзбекбирлашув» бажарарди. Шахсий ёрдамчи хўжалик эгалари ассоциацияси тузилгач, вазифа аро йўлда қолди. Аниқроғи, томорқа хўжаликларини шелуха, кунжара, омухта ем билан таъминлаш учун зарур бўлган фонд масаласи ҳалигача ҳал этилгани йўқ.

Республика миқёсида иш юритувчи бу ташкилот шахсий томорқа эгаси билан ҳисоб-китобни накд пулга амалга оширмаганидан ташаббусни жойлардаги гўшт-сут корхоналари илиб кетяпти. Аслида, деҳқоннинг ҳақиқий харидори ассоциация бўлиши керак.

Ҳозир республика бўйича ассоциациянинг 556 та кичик корхонаси мавжуд. Уларнинг 212 таси маҳсулотларни қайта ишлаш цехига эга. 1996 йил якунларига кўра, Фарғона, Хоразм, Сурхондарё вилоятларидаги кичик корхоналар 20 миллион сўмга яқин даромад қилди. Соф фойда эса 4 миллион сўмга етди. Лекин бу кўпнинг дастурхонига урвоқ ҳам бўлмайди-да.

Вақтида банклар имтиёзли кредит ажратмагач, кўп жойларда яхши ният билан бошланган хайрли ишлар юлдуз кўрмай жон бераяпти. Масалан, шахсий ёрдамчи хўжалик эгалари ассоциациясининг Фарғона бўлими ихтиёридаги иккита консерва цехи, битта шакар ишлаб чиқариш кичик цехи қурилиши маблағ йўқлиги сабабли чала ётибди.

Шахсий ёрдамчи хўжаликларни маъданли ўғит билан таъминлаш, уларга техник сервис хизмати кўрсатиш масалалари ҳам ачинарли аҳволда. Самарқанд вилоятидаги «Кимётаъминот» давлат ҳиссадорлик бирлашмасида 1996 йил давомида 15 та савдо дўконлари орқали аҳолига бор-йўғи 196,2 тонна ўғит сотилган. Ёки 1 гектар ерга 3,1 кг. ўғит солинган холос. Ургут ва Челак туманларида эса бундай хизмат билан шуғулланувчи дўконнинг ўзи йўқ.

Шахсий, ёрдамчи хўжалик эгалари етиштирган маҳсулотларини тайёрлов ташкилотлари томонидан сотиб олиш ҳам ҳамон муаммолигича қоляпти. Чунки ташкилот билан шахсий томорқа эгалари ўртасида ўзаро иқтисодий мутаносиблик йўқ. Бир йилда етиштирган гўшт-сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинмагач, албатта, деҳқон иккинчи йили тайёрлов идорасининг яқинига йўламайди-да. Ва табиики, маҳсулотни бозорда сотади. Мана бир мисол: Самарқанд вилоятининг шаҳар ва туман бозорларида 1996 йилда аҳоли томонидан 10571 тонна ғалла, 25844 тонна картошка, 96022 тонна сабзавот, 13973 тонна мева, 26670 тонна узум, 11616 тонна полиз маҳсулотлари, 52869 тонна гўшт, 153327 тонна сут, 36527 минг дона тухум, 3081 дона қоракўл тери сотилган. Тайёрлов идоралари эса шу маҳсулотларни аҳолидан бевосита сотиб олиш, қайта ишлаш, бошқа шаҳарларга олиб бориб сотиш имкониятларидан маҳрум. Чунки, бу ташкилотлар ғазнасида пул йўқ. Хўш, пулни ким беради? Яна давлатми?!

Давлатга кўз тикиб юрган айрим раҳбарларнинг айби туфайли 1994--1996 йиллар мобайнида вилоят «Мева-сабзавотузумсаноат» уюшмаси тизимидаги қайта ишлаш корхоналари шахсий ёрдамчи хўжаликлардан бирор тонна ҳам маҳсулот харид қилмади. Хўш, бу ҳолни қандай изоҳлаш мумкин?

Вилоятларда шахсий ёрдамчи хўжалик эгаларига техник сервис хизмати кўрсатиш аҳволи ҳам ачинарли. Шу иш билан шуғулланувчи таъминот идоралари ўз имкониятлари даражасида ишламаяптилар.

Мисолларга мурожаат этамиз: Самарқанд вилоятидаги «Қишхўжтаъминоттузатиш» бирлашмаси томонидан кўрсатилиши лозим бўлган савдо хизмати ўтган йили 30 фоизга, сервис хизмати эса 4 бараварга камайиб кетди.

Форғона вилоятининг Бувайда туманида ўтган йили бор-йўғи 40 минг сўмлик сервис хизмати кўрсатилди холос. Учкўприк туманида худди шу мақсадда очилган сервис маркази ҳалигача тўлиқ фаолият кўрсата олмаяпти.

Бугун шахсий томорқа масаласи бекорга қайта-қайта тилга олинаётгани йўқ. Чунки аҳолини гўшт-сут, сабзавот-полиз маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, аслида, кимнинг чекига тушаяпти. Албатта, томорқаси бор деҳқоннинг. Йил-ўн икки ой эшик ҳатлаб бозорга чиқсангиз мева-чева, турли хил кўкатлар, суви қотмаган семиз гўшт муҳайё. Хўш, булар қаерда етиштириляпти? Албатта, яна деҳқон хонадонида, унинг шахсий томорқасида.

Ҳосили пишиб етилгач, тайёрлов идоралари харид қилолмаган маҳсулотни елкалаб бозорга қадам қўйиши билан олиб-сотарларга ким чув тушаяпти? Яна деҳқон! Чунки ҳар бир бозорнинг ўзига хос «ўйинлари» бор. Деҳқоннинг кўнгли эса яна томорқасида. Сотган пулига ўғит олиши, техника ёллаб, ерни иккинчи-учинчи ҳосилга тайёрлаши керак...

**Шодиёр МУТАҲҲАРОВ ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЁШЛАР ДЕМОКРАТИЯНИ ЎРГАНМОҚДА

Республика ёшлар «Камолот» жамғармасининг халқаро алоқалари тобора кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон ва дунёдаги бошқа давлатлар ёшлари ўртасида дўстона алоқалар ривожланишига кўмаклашадиган кўпгина хорижий жамоат бирлашмалари билан алоқа ўрнатилган. Жамғарма билан Американинг ҳукуматга қарашли бўлмаган «Каунтерпарт консорциум» ташкилоти ўртасида яқинда тузилган ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳам шу мақсадга қаратилган. Бу ташкилот фаолияти, хусусан, турли мамлакатларда, жумладан Марказий Осиё давлатларида ҳам демократик жамоатчилик ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ.

Тошкентда республика барча вилоятлари ёшлар етакчилари учун биргаликда семинар ўтказилиши мазкур шартномани амалга оширишни дастлабки натижаси бўлди. Семинар мавзуси ёшлар ташкилотларининг жамиятни демократизациялаш жараёнидаги иштироки, давлат тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилишнинг самарали йўлларини қидирищдан иборат эди.

Машғулот давомида йигит ва қизлар хориждаги ҳукуматга қарашли бўлмаган бирлашмалар фаолияти билан танишди. Семинарда Ўзбекистонда демократик жамият қуриш жараёнида ёшларга катта ўрин ажратилаётгани таъкидланди. Шунинг учун ҳам мамлакатдаги мавжуд янги шароитни ҳисобга олган ҳолда ёш авлодни тарбиялашнинг аҳамияти жуда улкандир. Бу тарбия маънавиятга, умуминсоний қадриятларга асосланиши, йигит ва қизларни бозор муносабатлари шароитидаги ҳаётга тайёрлаши лозим.

Семинар иштирокчилари ўз маҳаллий ташкилотларида ҳам шундай машғулотлар ўтказишни режалаштирдилар.

## АНЖУМАНГА ҲОЗИРЛИК

Ўтмиш замонларнинг буюк алломалари жамиятнинг етуклик даражаси аёлга нисбатан муносабат билан белгиланишини таъкидлаганлар. Мустақил диёримизда хотин-қизларнинг билим олиши, ижтимоий ҳаётда фаол қатнашиши, тадбиркорлик билан шуғулланиши, энг муҳими -- оила бекаси сифатида соғлом авлодни тарбиялаши учун барча шароит яратилмоқда. Бу масалалар республикамиз раҳбарияти, юртбошимизнинг доимий диққат эътиборида. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, кўп болали оилаларни ижтимоий пухта ҳимоялаш, Ватанимиз келажаги -- ҳар томонлама баркамол ёш авлодни вояга етказиш борасидаги фармону қарорлар бунинг яққол мисолидир. Бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш учун Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташкил этилган, унинг раиси Бош вазир ўринбосари ҳисобланади.

Айни кунларда мазкур қўмита тарихидаги муҳим воқеа -- Ўзбекистон хотин-қизларининг биринчи конференциясига ҳозирлик кўрилмоқда. Шу муносабат билан жойларда хотин-қизлар қўмиталарининг ҳисобот йиғилишлари бўлиб ўтаётир. Унда ўтган вақт мобайнида бажарилган ишлар сарҳисоб қилиниб, хотин-қизлар қўмиталари фаолиятининг устувор йўналишлари хусусида фикр юритилмоқда. Жумладан, Сурхондарё вилояти Хотин-қизлар қўмитаси анжуманида мустақиллик шароитида хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ўрни хусусидаги масала бош мавзу бўлди. Андижонда эса вилоят хотин-қизлар қўмитасининг халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизимида амалга ошираётган ишлари ҳақида гап борди.

Бўлиб ўтаётган анжуманларда Ўзбекистон хотин-қизларининг биринчи конференциясига делегатлар сайланмоқда.

**(ЎзА).**

# САТРЛАРДА ЮРТ НАФАСИ

**«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабар қилади**

## «БУХОРОТЕКС» ҲОМИЙЛИГИГА ОЛДИ

***Бухоро шаҳридаги 24-махсус кўзи ожиз болалар мактаб-интернатига вилоят ҳокими қарори билан 60 та парта, 120 та стул, ногиронлар соғлиғини сақлаш, мақсадида юз минг сўмлик дори-дармон ажратилди.***

Интернатдаги транспорт воситаларини бетўхтов юришини таъминлаш учун уларга ёқилғи ҳам берилди.

Ҳомийлар ажратган маблағнинг бир қисмига эса тиббий асбоб-ускуналар сотиб олинди. Вилоят ҳокими ташаббусини «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти қўллаб-қувватлаб кўзи ожиз болалар мактаб-интернатини ўз ҳомийлигига олди.

*Қўриқ Нишон туманидаги Таллимаржон шаҳарчаси шифохонаси ҳакимлари чўлқуварлар соғлиғини мунтазам назорат қилиб туришибди.*



*Суратда: болалар врачи Ойсанам Маматова.*

**Ш. ШАРОПОВ**
**(ЎзА) олган суратлар.**

## ЯНГИ ДАСТУР

***Балиқчи тумани ҳокимлиги бир қанча жамғарма ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда қишлоқ маданий-маиший шароитини яхшилаш дастурини ишлаб чиқди.***

Дастурга мувофиқ йил давомида 27 километрли табиий газ ҳамда 10 километрли тоза ичимлик сув тармоқларини тортиш, 33,2 минг квадрат метр уй-жой қуриб битказиш кўзда тутилган. Салкам минг квадрат метр ҳажмда савдо-сотиқ, шунингдек, умумий овқатланиш корхоналари, олтита маиший хизмат кўрсатиш корхонаси барпо этилади. Ҳар бир жамоа хўжалигида биттадан янги қишлоқ гузари очилади. Мактаб ва боғчалар, қишлоқ врачлик пунктлари барпо этишга алоҳида эътибор берилади. Мазкур тадбирларнинг барча бандлари аниқ бажарилишига эришиш мақсадида мутасадди ташкилотлар ва бу ишга бош-қош бўладиган раҳбарлар тайинланди.

## ОЛИМЛАР КАШФИЁТИ

***Ўзбекистон Фанлар академияси Ботаника институти олимларининг бир неча йиллик изланишлари ечимини топди.***

Шоли хосилдорлигини оширадиган тропик ўсимлик -- «азолла анабена» кашф этилди. Шолипояларга сув билан бирга бостириладиган бу ўсимлик экинзорни бир текис қоплаб, сувнинг буғланишини камайтиради. Энг муҳими, ҳаводаги муаллақ азот моддасини тўплаб, тупроқни озиқлантириб туради. Бунда кимёвий ўғитлардан фойдаланишга эҳтиёж қолмайди, тупроқ таркиби яхшиланади. Натижада ҳосилдорлик 10-15 фоиз кўпаяди.

Янгилик Тошкент вилоятида ўтказилган синовда яхши самара берди.

*МУНОСАБАТ*

## ИЙМОНГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

***Январнинг ўртаси эди. Бизнинг юртимизда ҳам Рамазони шариф ойининг қутлуғ лаҳзалари кечаётган кунлар. Тонг саҳарда телефонимиз узун-узун жиринглади. Гўшакдан келаётган сал қўполроқ овозни бирдан таниёлмадим. «Кимсиз?» дейман хижолатомуз.***

«Саудиядан қўнғироқ қилаяпман, Эсон-омонликми? Муаллимингман-ку, ҳа, бой бўлгур-ей, танимадинг-а? Рамазонга (ўғлининг исми, рўза ойида туғилган-да) айт, Тошкентда кутиб олсин. Сен ҳам чиққин. Умра сафаримиз эртага қарийди...»

Эртаси кун қутлуғ Жума эди. Кечқурун шом маҳали Жиддадан самолёт учиб келди. Домлани юрагимиз орзиқиб кутиб олдик. Юз-кўзларида биз сезиб-сезмаган ғаройиб бир нур бор эди.

У киши ҳаяжон ила гапира кетди: «Хайрият-э, ҳурликнинг қадрини иймон нурлари таралаётган Маккаи Мадинада туйдим. Бўлмаса, ул ёқларга бизларга йўл бўлсин. Саудияда ўзбекистонликларга алоҳида меҳр ва муҳаббат кўрсатилганлигини кўриб руҳим кўтарилди. Мезбонлар, қолаверса, юртимизнинг бир сиқим тупроғини кўзларига тўтиё айламоққа зор бўлган ватандошларимиз бизнинг мамлакатда ҳар йили Ҳаж сафарига жуда катта эътибор қаратилаётганини қувониб эътироф этдилар. Қайтаётиб, Худодан йўл сўрадим: «Илоё, юртдошларимнинг бу йилги муборак сафарлари ҳам қабул бўлсин!». Кеча эса...

Вазирлар Маҳкамасининг «Муборак Ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги қарорини кўриб, руҳимга яна бир ёруғлик сингди. Ва шунда шўролар замонида бир қафасга ўралган халқларнинг эътиқоди қанчалар таҳқирланганлиги, бундай хайр-савобли ҳаракатлар йўлига қўйилган тўсиқларнинг сирли занжирлари нақадар қитмирлик билан «ишланган»лигининг моҳиятини англагандай бўласан киши. Чунки у маҳаллари иймон ҳам, эътиқод ҳам битта мафкурага хизмат қиларди-да.

Энди эса бошқа осмон остида яшаяпмиз. Ҳавомиз ўзгача. Руҳимизда уйғониш фасли кечаётир. Ҳақни, ўзлигимизни таний бошладик. Ҳурликнинг қадрини англаётирмиз. Шу боис ҳам ҳукуматимиз Ҳаж зиёратига катта тайёргарлик кўрилиши лозимлигини алоҳида вазифа қилиб қўйди. Бу эса ўз навбатида ҳар бир мўмин-мусулмоннинг юрагига улкан қувонч бахш этади.

**Норқобил ЖАЛИЛ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

МЕЗОН -- ЖАҲОН АНДОЗАСИ

# ИМКОНИЯТ БЎЛСА, ШУНЧАЛИК БЎЛАР-ДА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси бошқаруви раиси ўринбосари -- ижрочи директори Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ билан суҳбат**

**-- Муқимжон Қирғизбоевич, дастлаб жамғарма таъсис этилишининг сабаблари, фаолият кўлами тўғрисида сўзлаб берсангиз.**

-- Маълумки, биз бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий-демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бозор иқтисодиёти тараққиётнинг шундай усулики, у табиатан демократия ҳамда илғор технологиясиз яшай олмайди. Бундай мақсад ёки мезонларга эришиш учун эски воситалар, собиқ тузумдан мерос қолган услуб ҳамда йўриқлардан бутқул воз кечиш лозим.

Биз XXI аср остонасида турибмиз. Жамият эндиликда инсон ақл-идроки ва тафаккури маҳсули бўлган илғор фан, технология, бошқарувнинг янгича усуллари воситасида ривожланади. Бу эса ўз навбатида, жаҳон андозалари даражасидаги етук кадрлар тайёрлаш муаммосини юзага чиқармоқда. «Умид» жамғармасини ташкил этишдан кўзда тутилган асосий мақсад ҳам ана шу. Жамғарма асосан, иқтидорли ёшларни чет элга ўқишга, малака ва тажриба оширишга юбориш билан шуғулланади.

Тўғри, аксарият ёшларимиз ҳозир ҳам хорижий мамлакатларда таҳсил олишаяпти. Лекин бу тамойил ҳали оммавий тус олганича йўқ. Улар сафини янада кенгайтириш, турли соҳалар бўйича йўналтириш учун бугунги кунда ана шундай жамғармага эҳтиёж сезилаётган эди. Шу ўринда мазкур жамғарма Ўзбекистон Республикаси Президентининг жамғармаси сифатида ташкил этилганлигига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқ керак. Зеро, бунда чуқур ҳамда ўзига хос рамзий маъно бор.

Жамғарма Президент Фармонида таъкидланган вазифалар билан бир қаторда, чет элда таҳсил олиб қайтган мутахассисларнинг меҳнат фаолияти мониторингини ҳам амалга ошириш билан шуғулланади. Бу -- улар билан доимий алоқа ўрнатилади, деган гапдир. Хориждаги талабаларимиз ўз навбатида, мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар, янгиликлардан мунтазам хабардор этиб турилади. Талабаларни мамлакатимизга қайтганларидан кейин мутахассисликлари бўйича ишга йўллаш ҳам бизнинг вазифамизга киради.

Республикамизда иқтидорли ёшлар жуда кўп. Лекин ота-оналарнинг ҳаммасининг ҳам фарзандларини хорижга ўқишга жўнатишга моддий имкониятлари етмайди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож бундай истеъдодли ёшларни чет элга ўқишга юбориш жамғарманинг устувор йўналишларидан биридир.

**-- «Умид» таълимнинг қайси йўналишларига кўпроқ эътибор беради?**

-- Жамғарма Низомига биноан иқтидорли ёшлар асосан учта йўналиш бўйича ўқишга жўнатилади. Масалан, бакалавр даражасини олиш учун тўрт йил таҳсил олиш талаб этилади. Магистр даражасини эгаллаш учун, албатта, олий маълумотга эга бўлиш лозим. Тажриба орттириш учун эса бир йилгача муддатга ўқишга юборилади. Лекин барча йўналишлардан қатъий назар, жўнатиладиган киши ўша мамлакат тилини билиши шарт.

**-- Қайси мамлакатларга ўқишга юбориш мўлжалланаяпти?**

-- Ҳозирча Европа давлатлари, Америка ва Японияга.

**-- Малол келмаса, таълим соҳаларини ҳам санаб ўтсангиз...**

-- Жорий йил давомида ёшларни асосан еттита соҳа бўйича ўқишга юборишни мўлжаллаяпмиз. Иқтисодиёт, халқаро ҳуқуқ, информатика ва компьютерлаштириш, табиий фанлар, қишлоқ хўжалиги, экология ва сув тизимларини бошқариш ҳамда журналистика.

**-- Жамғармага давлат томонидан қандай имтиёзлар берилган?**

-- Фармоннинг учинчи бандида: «Жамғарма фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида жамғарма солиқлар, тўловлар ва божларнинг барча турларидан озод қилинсин», дейилган. Бундан ташқари, устувор йўналишлар бўйича хорижга юборилаётган ёшлар учун Президент грантлари (ўқиш харажатлари учун мукофотлар) берилади. Уни олган талабалар таҳсил давомида ҳеч қандай моддий қийинчилик сезмайди. Бу эса уларнинг пухта билим ва тажриба олишларига катта имконият яратади.

Юртбошимиз Чехия Республикасига қилган расмий ташрифи чоғида «Озодлик» радиоси ўзбек шўъбаси ходимлари билан бўлган учрашувда: «Мана энди ёшларимиз ўзимизда ҳам, чет элларда ҳам тарбия олишаяпти. Ёшлар ўзларини кўрсатадиган пайт келди», деган эди. Ҳа, чиндан ҳам, ёшларнинг ўзини кўрсатадиган, куч-ғайратларини намоён этадиган давр келди. Улар бундай тўлақонли имкониятдан фақат унумли фойдаланишлари керак.

**«Халқ сўзи» мухбири Ғафур ШЕРМУҲАММАД суҳбатлашди.**

### III. ТОМОРҚА — УЧ МАРТА ҲОСИЛ КАФОЛАТИ

Фарғона вилоятида кейинги йилларда аҳолига томорқа учун 17 минг гектар ер ажратиб берилгач, жами томорқалар майдони 60 минг гектарга етди. Бу ҳол ўз самарасини бераётир. Ҳозирги пайтда вилоят бўйича етиштирилаётган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг асосий қисми шуларнинг ҳиссасига тўғри келмоқда.

Гап шундаки, кўпгина томорқа соҳиблари йилига уч мартадан мўл ҳосил олиш мумкинлигини амалда исботламоқдалар. Ўтган йили Олтиариқ туманидаги Навоий номли жамоа хўжалиги электриги Ё. Қипчоқов ўзига қарашли 17 сотих томорқада бодринг ва узум етиштириб, 313 минг сўм даромадга эга бўлган бўлса, шу туманда яшовчи Н. Низомов ва Фурқат туманидан М. Каримов эса йил мобайнида 300 -- 400 минг сўмлик маҳсулот сотгани кимни қувонтирмайди, дейсиз?

Лекин, минг афсуски, бундай ижобий тажрибалар вилоятда томорқа муаммоси тўла ҳал этилганини билдирмайди. Томорқага ажратилган ерлардан унумли фойдаланмаслик ҳолларини кўра-била туриб, вилоят шахсий ёрдамчи хўжалик эгалари уюшмаси раҳбарлари ўз вазифаларини тўла бажармаяптилар. Айрим ташкилотлар эса ўтган йили томорқа эгаларидан харид қилган маҳсулотлари учун ҳалигача ҳақ тўлаганлари йўқ. Буни қип-қизил зўравонлик деб баҳолаш ва шунга яраша чорасини кўриш керак.

Нега деганда, одамлар ўз ҳақларини, ҳалол меҳнатлари туфайли етиштирган ризқларини ўз вақтида ололмаса, адолатга ишончи қоладими? Бундай ҳолатда уларнинг ҳафсаласи пир бўлмаслигига ким кафолат бера олади?

Шу боис шахсий хўжаликларга амалий ёрдам бериш, уларни сара уруғлик, маъданли ўғит ва кимёвий моддалар билан таъминлаш учун бутун имкониятлар ишга солиниши лозим. Бу йўлдаги таъмагирликлар ва тўрачиликка чек қўйиб, меҳнат қилмоқчи бўлган одамга шароит яратилиши зарур. Кимки ўзига тегишли сотихлардан оқилона фойдаланиб, ҳам ўзи ва оиласини боқаётган, ҳам бозорни зарур маҳсулотлар билан тўлдириш орқали жамоа, эл-юрт учун фойда келтираётган бўлса, уларга нега ажратилган томорқа ҳажмини янада кенгайтириш тўғрисида ўйламаслик керак? Ушбу масала тўғрисида Президентимиз сессияда алоҳида тўхталдики, бундан раҳбарлар тегишли хулосалар чиқариб олишлари шартдир.

## ОҚ КЎНГИЛ ХАЛҚ ҲАР НАРСАГА ҚОДИР

### IV. БУЮРТМАЛАР «ПОРТФЕЛИ»ГА ЭГАМИСИЗ?

Истиқлол йилларида Қува ва Риштон шаҳарларида қандолатчилик ҳамда мебель фабрикалари, Қўқонда спирт заводи, Қувасойда ойна ишлаб чиқариш цехи ва Фарғона шаҳрида «Ўзсаламан» қўшма корхонасининг ишга туширилганлиги вилоят саноатини ривожлантиришда муҳим туртки бўлди. Лекин чет эл сармоялари иштирокидаги янги-янги қўшма корхоналар ўта суст барпо этилмоқда. Вилоят ва баъзи корхоналарнинг раҳбарлари эса бу ишларни амалга оширишда жиддий камчиликларга йўл қўймоқдалар.

Устига устак, вилоятда рўйхатдан ўтган 73 қўшма корхонанинг атиги 35 таси фаолият кўрсатяпти. Бу масалада етарли назорат ва масъулият йўқлиги боис, Фарғона, Марғилон, Қўқон шаҳарлари, Тошлоқ ва Қува туманларини истисно қилганда, бошқа шаҳар ва туманларда бирорта ҳам шундай корхона маҳсулот ишлаб чиқармаётир. Кўп миқдорда пахта толаси, пилла ва бошқа қимматли хомашёлар ҳисобига ташкил этилган қўшма корхоналар ўз самарасини бериши шарт-ку, ахир!

Мавжуд саноат корхоналарида аҳвол қандай? Уларнинг аксарияти тўлиқ ишламаяпти. Хусусан, кимё, машинасозлик ва енгил саноат тизимидаги корхоналар ишлаб чиқариш қувватининг ярмидан, Марғилондаги «Хонатлас» ҳиссадорлик жамияти эса унинг атиги учдан бир қисмидан фойдаланмоқда.

САБОҚЛАР

«Маҳаллий саноат» савдо-саноат концерни тизимида жун, калава ип ва трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш 70 фоиз, Фарғона газ аппаратлари бирлашмасида маҳсулот тайёрлаш 9 баравар (ўтган тўрт йил мобайнида), шу шаҳардаги озиқ-овқат корхоналарида сут ва гўшт ишлаб чиқариш ҳажми 3 марта (охирги уч йилда) камайганини қандай тушунмоқ керак? Сўх туманидаги «Пойабзал» ишлаб чиқариш-ҳиссадорлик жамиятида эса бир вақтлар йилига 840 минг дона маҳсулот тикилган бўлса, бугунги кунда у тўхтаб қолиш арафасида турганини-чи!

Риштон кулолчилик заводидаги аҳвол, айниқса, ўта аянчлидир. Илгари 2000 нафардан ортиқ ишчи-хизматчи ишлайдиган бу корхонада ҳозир атиги 1000 нафар киши меҳнат қилмоқда. Боз устига, маҳсулот бозори касодга учраган. Лекин шунга қарамасдан, корхона ва туман раҳбарлари аҳволни ўнглаш ҳақида қайғурмаяптилар.

Умуман, бугунги кунда вилоят саноат корхоналари омборларида 3,2 миллиард сўмлик тайёр маҳсулот қолдиғи бор. Бу, албатта, бозор талабини билмаслик, сифатсиз маҳсулотларни кўплаб ишлаб чиқариш ва корхоналарнинг буюртмалар «портфели»га эга эмаслиги натижасидир.

***

**Кўриниб турибдики, вилоят хўжаликлари, корхоналари, тадбиркор ва деҳқонлари ишида кўпгина муаммолар, ҳал этилмаган камчиликлару нуқсонлар мавжуд. Бироқ Фарғона халқи -- оққўнгил, хушфеъл, изланувчан, бунёдкорлик иқтидори юксак, азалдан ҳалол меҳнатлари, бой маънавий фазилатлари билан маълум ва машҳур халқ. Бундай халқ эса ҳар нарсага қодирдир. Ишончимиз комилки, улар ана шу камчиликлардан тўғри сабоқ чиқариб олган ҳолда, меҳнатга онгли ва ижодий муносабатда бўладилар, барча муаммоларнинг ечимини топиб, Президентимиз томонидан белгилаб берилган кенг кўламли вазифаларни изчил бажара бориб, мамлакатимиз равнақини таъминлаш ишига муносиб ҳисса қўшадилар.**

**Икром ЎТБОСАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**







### 12 МИЛЛИОН ДАРОМАД

*Сирдарё вилоятининг Боёвут туманидаги «Боёвут» ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг ташкил этилганига унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамасдан бугунги кунда автокорхонадаги мавжуд 50 та автобус, 12 такси ва 170 дан зиёд турли хил турдаги автомашиналар туман аҳолисига намунали хизмат кўрсатмоқда. Бундан ташқари автомобиль хизмати кўрсатиш бўйича корхона жамоаси туман пахта тозалаш корхоналари ва Сирдарё ГРЭСларини ҳам оталиққа олишган. Ўтган йилни ушбу ҳиссадорлик жамияти аъзолари соф 12 миллион даромад билан якунладилар.*

*СУРАТЛАРДА: 1. Агрегат цехининг моҳир чилангари Рўзибой Музаффаров;*

*2. Усталардан Аҳмад Тожибоев ва Виктор Просяниковлар автомобиль қисмларини таъмирдан чиқармоқда.*

*3. Автокорхонанинг умумий кўриниши.*

**Б. ТЎРАЕВ олган сурат.**

ХАБАРЛАР ОҚИМИ

### ПУЛЬМОНОЛОГЛАР АНЖУМАНИ

*Тошкент шаҳар саломатлик марказида «Сурункали ўпка касалликларининг тарқалиши ва замонавий муолажа масалалари» мавзуида ўқув-семинар ўтказилди. Семинар Германиянинг «Берингер ингельхайм» фирмаси ҳомийлигида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Марказий Осиё пульмонологлар уюшмаси, республика физиатерапия ва пульмонология илмий-текшириш институти томонидан ташкил этилди.*

*Семинарда бу борада илғор ўқитишнинг янги услуби қўлланилди: ўпка касалликларига ташхис қўйиш ва уларни даволаш билан боғлиқ масалалар алоҳида гуруҳларда модераторлар бошчилигида муҳокама этилди. Бу эса тингловчилар фаоллигини ошириш ва кенг кўламда маълумот алмашиш имконини берди.*

*Республикамизнинг барча вилоятларидан қарийб икки юз нафар соҳа мутахассиси иштирок этган бу анжуманда асосий эътибор бронхиал астмани даволаш каби мураккаб масалага қаратилди.*

### ЯНГИ КАРВОНСАРОЙ

*Буюк ипак йўлида жойлашган Бухоро қадим-қадимдан ўз бозорию карвонсаройлари билан машҳур бўлган. Шаҳарнинг 2500 йиллиги муносабати билан вилоят марказининг Ғиждувон кўчаси ва Газли катта йўли чорраҳасида бунёд этилаётган янги карвонсарой -- улгуржи савдо маркази ҳам энди ана шундай манзиллардан бири бўлади. Умумий майдони 8,5 гектардан иборат карвонсаройда 120 савдо дўкони, икки катта омборхона, савдо зали, меҳмонхона ва маиший хизмат шохобчалари қурилади.*

*Шуни айтиш керакки, бу улкан бозор ҳашар йўли билан, асосан хусусий фирмалар, тадбиркор ва ишбилармонлар маблағи эвазига бунёд этилмоқда. Ҳозирдаёқ элликдан ортиқ дўкон қурилиши ниҳоясига етай деб қолди.*

*Бозор ҳудудида мамлакатимизнинг турли шаҳар ва қишлоқлари, шунингдек, хорижий юртлардан келадиган автомашиналар тўхташ майдони қурилмоқда. Ҳадемай, турли фирмалар, тадбиркор ва ишбилармонлар хорижлик шериклар билан ҳамкорликда бу ерда сотиш учун хилма-хил молларни келтирадилар. Айни пайтда ўз маҳсулотларини хорижлик харидорларга таклиф этадилар.*

(ЎзА).

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТАЛАРИДА

## ЭҲТИЁЖ МАҲСУЛИ

***Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасида, айни пайтда, иш қизғин. Қўмита аъзолари, тегишли вазирлик ва идора вакиллари, мутахассис ҳамда олимлардан иборат таркибда тузилган ишчи гуруҳи «Фуқаролик процессуал кодекси» лойиҳаси устида иш олиб бормоқда. Биз қўмита раиси Нуриддин ИСМОИЛОВнинг мазкур кодекс лойиҳаси ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.***

-- Судлар айни пайтда фуқаролик ишлари бўйича 1963 йилда қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар асосида иш юритиб келаётганди. Энди...

**-- Кечирасиз, бироз кечикилмадими?**

-- Йўқ. Чунки муайян соҳага доир қонун ҳеч қачон ўз ҳолича мукаммал ва тўлақонли бўла олмайди. Аксинча ўзига яқинроқ бўлган соҳага тааллуқли қонун билан табиий равишда боғланиб кетади. Улар шу тариқа бир-бирини тўлдиради, мукаммаллаштиради.

Хабарингиз бор, Олий Мажлиснинг ўтган сессияларида фуқаролик ишлари бўйича бир қанча янги қонунлар қабул қилинди. Бу эса ўз навбатида ҳозир биз тилга олаётган «Фуқаролик процессуал кодекси»ни ҳам янгилаш, ўзгартиришга эҳтиёж туғдирди.

**-- Демак, буни давр тақазоси, деб тушунмоқ керак экан-да?**

-- Ҳа, шундай.

**-- Унинг асосий вазифаси нималардан иборат?**

-- «Фуқаролик процессуал кодекси»нинг асосий вазифаси фуқаролик ишларини судларда юритиш ҳамда фуқаролик ишлари бўйича амалга ошириладиган процессуал ҳаракатларни бажариш тартибини белгилаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Конституция ҳамда бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда кафолатланган ижтимоий-сиёсий, маънавий, иқтисодий ва шахсий ҳуқуқ, эркинлик, манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, фуқаролик ишлари билан боғлиқ масалаларни тез ва адолатли ҳал этишдан иборат.

**-- Ушбу кодекс устида олиб борилаётган иш яна қанча давом этиши мумкин?**

-- У ишимизнинг суръатига боғлиқ. Лекин ҳозирча нолишга ўрин йўқ. «Фуқаролик процессуал кодекси» ҳажман йирик ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Лойиҳа шакли беш бўлим, 46 боб, 455 моддадан иборат. Уни Олий Мажлиснинг навбатдаги сессиясига киритишни мўлжаллаяпмиз.

**«Халқ сўзи»нинг парламентдаги мухбири Исмат ХУДОЁРОВ суҳбатлашди.**

## ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

### ҲИНДИХИТОЙ БЎЙЛАБ САФАР

***Индонезия Президенти Сухартонинг Ҳиндихитой давлатлари -- Камбоджа, Лаос ва Мьянмага сафари бошланди.***

Индонезия ҳукумати вакилининг маълум қилишича, ушбу мамлакатлар раҳбарлари билан учрашувда асосан икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари муҳокама этилади. Музокаралар давомида Ҳиндихитой мамлакатларининг Жануби-Шарқий Осиё давлатлари уюшмасига (Асеан) аъзо бўлиш масаласи юзасидан ҳам фикрлашиб олинади, дейилади шу мавзудаги хабарда.



Франция Карлтон Интернасьонал меҳмонаси.

### ХАЛҚАРО СЕССИЯ

***Озарбойжон пойтахти Бокуда БМТ ҳомийлигида наркотик моддалар билан ноқонуний савдо қилиш ва уларни денгиз ҳамда қуруқликдаги чегаралардан яширин олиб ўтилишига қарши кураш муаммоларига бағишланган халқаро сессия бошланди.***

Унда 22 мамлакат вакиллари иштирок этмоқда. 6 кун давом этадиган ушбу йиғинда гиёҳвандлик моддалари билан боғлиқ жиноятларга қарши курашда махсус хизмат органларининг саъй-ҳаракатларини умумлаштириш масаласи муҳокама этилади.

### БИР ҚАРОРГА КЕЛИШОЛМАЯПТИ

***Бангладешнинг тоғли Читтагонг туманида уч нафар полициячи «Шакти бахини» номли қуролли гуруҳ жангарилари ҳужумидан ҳалок бўлди.***

Бангладеш ҳукумати вакилининг маълум қилишича, ушбу қонли воқеа ҳукумат билан «Шакти бахини» қуролли гуруҳи йўлбошчилари ўртасида ўт очишни тўхтатиш бўйича музокаралар кетаётган бир пайтда юз берган. Мазкур ташкилот аъзолари асосан Чакма қабиласи вакилларидан иборат бўлиб, уларнинг мақсади Бангладеш билан Ҳиндистон чегараси кесишган ҳудудда мухторият тузишдир. Мана, қарийб 20 йиллдирки, «Шакти бахини» босқинчилари Бангладеш ҳукумати қўшинларига қарши курашмоқда. Норасмий хабарларга қараганда, шу вақт мобайнида тахминан 20 минг киши ҳалок бўлган.

### РАСМИЙ ТАШРИФ

***Испания қироли Хуан Карлос расмий ташриф билан Мисрга келди.***

Олий даражадаги учрашувларда икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш, Яқин Шарқдаги тинчлик жараёни ва бошқа халқаро масалалар муҳокама этилиши кутилмоқда. Испания давлат делегацияси таркибида Испания ташқи ишлар, ташқи савдо ва иқтисод вазири ҳамда кўплаб йирик ишбилармонлар бор. Ташриф давомида Миср-Испания савдо-иқтисодий семинари ҳам бўлиб ўтади.

### ПРОКУРАТУРА ТАКЛИФ КИРИТДИ

***Туркиянинг Истанбул шаҳри прокуратураси қўпорувчилик билан шуғулланган гуруҳ ишини кўриб чиқар экан, уларни оқлаш ҳақида таклиф киритди.***

Маълумки, ўтган йилнинг январь ойида мазкур гуруҳ «Аврасия» йўловчи кемасини гаровга олган эди. Чеченистондан Россия қўшинларини олиб чиқиб кетилишини талаб қилган қўпорувчилар музокаралардан кейин ҳукуматга таслим бўлган эди. Суднинг фикрича, гуруҳ аъзоларининг ҳеч қанақа жиноий уюшмаларга алоқаси бўлмаган ва уларнинг ҳаракати қўпорувчилик ҳисобланмайди. Гуруҳга раҳбарлик қилган Муҳаммад Тоқчан эса «денгиз транспорт воситасини куч билан олиб қочганликда» айбланиши мумкин, холос.

(ЎзА).

